

“КАЙДЗЕН” УСУЛИ ВА ТЕЖАМКОРЛИК

Бозор муносабатларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизацияланиши шароитида тежамкорликнинг ўрни жуда каттадир. Тежамкорлик тушанчаси қадимдан мавжуд бўлиб, замонлар ўтиши билан тежамкорликка илмий ёндошиш зарурати вужудга келган. Иқтисодий мактаблар вакиллари ўзлари яшаётган замон талабларидан келиб чиқиб тежамкорликка таъриф беришган, ҳозирги замон иқтисодий ривожланиш жадаллашган вақтда тежамкорликка янгича ёндошувлар вужудга келди. Жумладан, ҳозирги вақтда Менежмент соҳасида ҳам тежамкорликни ўзида мужассам этган “Кайдзен” – тушунчасидан фойдаланилмоқда.

«Менежмент» атамаси инглизча «management» сўзидан олинган бўлиб, «бошқариш», «ташқил этиш» дебган маънони англатади.

Иқтисодий Менежмент — бу иқтисодий фойда олиш учун ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик лаёқати сингари ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш ва уларни уйғунлаштиришдир.

Кайдзен – япон фалсафаси ва амалиёти бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини, ёрдамчи бизнес жараёнлари, бошқарувни шунинг билан биргаликда ҳаётнинг барча жабҳаларини узуксиз такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ҳозирги вақтда тадбиркорлик ва бизнесдаги **“Кайдзен”** – ишлаб чиқаришдан бошлаб бошқаришгача бўлган барча поғоналарда доимий яхшиланиш, янгиликларни қўллаш натижасида тежамкорликка эришиш, яъни чиқитсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни англатади. Кайдзен атамаси 2-жаҳон урушидан кейин Япон фирмаларида ишлатила бошлади, жамладан “Toyota” компаниясида ва дунё бўйлаб бизнес фалсафаси, ишлаб чиқариш ва бошқаришни узуксиз такомиллаштириш усули сифатида тарқалди. Ушбу атамани оммалашишига асосий сабаб, 1980 йилдан бошлаб АҚШга Японияда

ишлаб чиқарилган “Toyota” автомашиналари кириб кела бошлайди ва қисқа даврда АҚШни ички автомобил бозорини 30 % ни эгаллаб олади. Бунинг сабабини билишга қизиқиш жуда кучайган, уни ўрганиш учун алоҳида фондлар ташкил қилинган. Улар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида Япония иқтисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишининг асосий сабаби ишлаб чиқаришнинг “Кайдзен” усули қўлланилиши кўрсатилган.

Япон тилида “Кайдзен” сўзи – узуксиз такомиллаштириш деган маънони англатади. Ушбу методдан фойдаланиш нисбатан кам харажат бўлиб, ишчи хизматчилардан тортиб бошқарувчигача бўлган барчани қамраб олади ва уларни узуксиз такомиллаштиришда иштирок этиши фойдани максималлаштиришини асослаб беради. Турли муаллифлар томонидан Кайдзен принциплари турлича ёритилган, одатда улар қуйдагилар:

1. Мижозлар хохишини инобатга олиш – Кайдзен усулидан фойдаланаётган компаниялар учун улар таклиф қилаётган товарлар ва хизматлар истеъмолчилар талабларини қондира олиши жуда муҳимдир.
2. Доимий ўзгаришлар – яъни ишлаб чиқаришда, таъминотда, сотувда, шахсий муносабатларда ва ҳ.к.ларда кичкина бўлса ҳам ўзгаришларни жорий этиш.
3. Муаммоларни очиқ тан олиш “Муаммо йўқ жойда ривожланиш бўлмайди”.
4. Ишчи гуруҳлар ташкил қилиш.
5. Ўз – ўзини назорат қилишни такомиллаштириш натижасида ўзини, фирмани ва бошқа ишчиларни ҳурмат қилишни шакллантириш.
6. Бошқариш – яъни режалаштирилган ишлар ва эришилган натижаларни таққослаш натижасида тўғри хулоса чиқариш.
7. Стандартлаштириш – эришилган ютуқларни сақлаб қолиш методлари.
8. Корхонадаги воқеа ходисаларни аниқ фактлар асосида таҳлил қилиш ва ҳ.к.

Юқоридаги тамойиллардан шу нарса маълум бўладики иқтисодий фаолиятда фойдани максималлаштириш учун модернизациялаш, ишлаб чиқаришни ресурс тежовчи усулларида фойдаланиш, янгиликларни жорий этиш жуда муҳим ҳисобланади. “Кайдзен” методидан фойдаланиш ишлаб чиқаришни барча соҳаларини камраб олади ва ишлаб чиқариш харажатларини тежаш имкониятини беради. Ишлаб чиқаришни юксалтиришда мавжуд имкониятлардан унумлироқ фойдаланиш мақсадида ҳар бир ишчи хизматчилар ва бошқарувчиларнинг таклифлари ҳисобга олинади ва ривожланишга хизмат қиладиган таклифлар амалиётга тадбиқ қилинади.